

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ
ҒОЯСИ ТУРМОНИ



МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ :

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
ЎЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАРИ МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

*“Миллий истиқлол ғояси:
асосий тушунча ва тамойиллар” уқув фани буйича
Махсус методологик комиссия тавсия этган*

ТОШКЕНТ — 2002
“IYOD DUNYOSI” НАШРИЁТ УЙИ

Ушбу доимий семинар дастури таълим тизими ва ундан ташқари булган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман ҳокимликлари, республика вазирликлари, давлат қўмиталари, марказий муассасалар, компания, корпорация, концерн, уюшмалар, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда уларнинг вилоят ва туман бўлимлари масъул ходимлари, мутахассис ва хизматчилари учун мўлжалланган.

Ундан Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий тамойиллари, ғоя ва мафкура тушунчалари, уларнинг шакллари, халқлар ва давлатларнинг тақдирига таъсири, миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳияти, унинг асосий тушунча ва тамойиллари, бу ғояни халқимиз қалби ва онгига сингдириш йўллари, усуллари ва имкониятлари тўғрисидаги мавзулар ўрин олган. Дастур А.Болиев (1-3 мавзу), ф.ф.д. Қ.Назаров (4-10 мавзу), п.ф.д. М.Қуронов (11-13 мавзу), У.Олтинов (13-мавзу) ва Н.Дўсматов (15-мавзу)лар томонидан тайёрланган.

Тарғибот ва ташвиқот жараёнида ушбу дастурга киритилган мавзуларга ижодий ёндошиб, машғулот, суҳбат ва учрашувлар ва бошқаларни ўтказишда ҳаётий мисолларда ва машғулотларда унумли фойдаланасиз деб ўйлаймиз.

Дастур тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларни қуйидаги манзилга йўллашингизни сўраймиз: *Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. Телефон: 139-17-31.*

Илмий муҳаррир — академик Т. Рисқиев

Тақризчилар — п.ф.д. В.Каримова,
ф.ф.н. А.Холбеков.

ISBN 5-633-01273-9

© Ўзбекистон файласуфлари
миллий жамияти, 2001.
© «Ўз дунёси» нашриёт
уйи, 2002.

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, жамиятимизнинг пировард мақсадларига етишиш ҳар бир ватандошимиз онги ва қалбида миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳияти тўғрисида тушунча ҳосил қилишни долзарб вазифаларидан бирига айлантирди.

Ана шу эҳтиёжни ҳисобга олиб, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича аҳолининг таълим тизими билан қамраб олинмаган қисми учун мўлжалланган республика доимий семинарининг дастури тайёрланди.

Семинар вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман ҳокимликлари, республика вазирликлари, давлат қўмиталари, марказий муассасалар, уларнинг вилоят бўлимлари, компания, корпорация, концерн, уюшма ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг раҳбар ва мутахассислари учун мўлжалланган.

Семинар машғулотларида, аввало, ғоя ва мафкура тушунчалари, уларнинг инсоният тарихи ва тараққиётига қай тарзда таъсир кўрсатгани, ҳозирги даврнинг мафкуравий манзараси, дунёни мафкуравий жиҳатдан бўлиб олиш учун кураш, бегона ва ёт ғояларнинг минтақа ва мамлакатимизга таъсири, Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият, унинг иқтисодий, сиёсий салоҳи-

ятини юксалтиришда миллий истиқлол ғоясининг қандай аҳамият касб этиши каби масалалар ўз аксини топади.

Дастурдан миллий истиқлол ғоясининг назарий ва амалий жиҳатларини очиб беришга хизмат қиладиган мавзулар ўрин олган. Бунда бир томондан, миллий ғоянинг моҳияти ва мазмуни, асосий тушунчалари ва тамойиллари, иккинчи томондан уларни ишлаб чиқариш ва ҳаётнинг барча соҳаларида намоён бўлиши масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу тажрибавий характерга эга ва келажакда тўпланган тажриба, эришилган натижалардан келиб чиқиб, унга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

СЕМИНАРНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Семинар ҳокимликлар, вазирликлар, қўмиталар, марказий муассасалар, компания, корпорация, банклар, концернлар, уюшмалар ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарлари ва ходимларига миллий истиқлол ғояси тарғиботининг илғор услубларини ўргатишни кўзда тутди.

Семинар Президент Ислам Каримовнинг миллий истиқлол ғояси, унинг моҳияти, мақсад ва вазифаларига доир асарлари, нутқ ва маърузалари асосида ўтказилади. Юртбошимизнинг “...ҳозирги замондаги энг катта хавф — инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим”, — деган даъваткор фикрлари мазкур семинар машғулотларининг асосий йўналишларини белгилайди.

Семинарнинг бош мақсади — халқимизнинг таълим муассасалари билан қамраб олинмаган 80% қисми орасида миллий истиқлол ғояларини кенг тарғиб ва ташвиқ этиш.

Семинар қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилган:

— кўп миллатли халқимиз қалби ва онгида миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини шакллантириш орқали “**Ўзбекистон — ягона Ватан!**”

экани, ҳар бир ватандошимизнинг буюк келажак, озод ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун ҳаракати умуммиллий масъулият, бурч эканлиги тўғрисидаги туйғуни сингдириш йўллари тушунтириш ва тарғиб этиш:

— маънавият ва маърифат соҳасидаги давлат сиёсати, Президент Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа муҳим ҳужжатлар аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, миллий истиқлол ғояси асосий тушунчалари ва тамойилларини содда, ҳаётий мисоллар орқали ёритиб бериш;

— ҳар бир ўзбекистонликни ғайрат-шижоат, мардлик, миллий ғурур, фидойилик, бунёдкорлик, инсоф — диёнат ва ёшларни тарбиялаш ишига амалий жалб этиш. Фуқароларимизнинг иродаси, ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан истиқболи сари сафарбар қилиш;

— мустақиллик қадрини, унинг тарихий аҳамиятини халқ оммаси онгига тўлиқ етказиш орқали миллий истиқлол ғоясининг моҳиятини ҳар бир фуқаронинг фаолиятида, ҳаётга муносабатида намоён бўлишига эришиш. Фуқаролар орасида миллий истиқлол ғоясининг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни, бугунги кун ва келажак учун аҳамиятини кенг тарғиб қилиш;

— “Мен Ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун нима қилдим?” деган саволнинг даъваткор аҳамиятини ҳаётий воқеалар асосида атрофлича тушунтириш, бу туйғуни тарғиб ва ташвиқ этиш;

— миллий истиқлол ғоясининг умуммиллий моҳиятини, унинг Ўзбекистонда яшаётган барча миллатлар ва элатлар маданий, маърифий ва маънавий тараққиёти билан муштараклигини аҳоли онги ва қалбига чуқур сингдириш;

— миллий мафкуравий тарбиянинг илғор анъаналарини ўрганиш ва тарғиб этиш; маънавий янгилашиш жараёнида миллий хавфсизликка таъсир этувчи ташқи

ва ички таҳдидлар, ғаразли ғояларни ғош этиш ва уларга кескин зарба бериш умуммиллий маънавий бурч эканлигини ҳар бир фуқарога уқтириш;

— фуқароларда бегона ва ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Семинар машғулотлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туманларнинг ҳокимликлари, республика вазирликлари, давлат кўмиталари, марказий муассасалари, компаниялар, корпорациялар, банклар, концертлар, уюшмалар, олий ўқув юртлари ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбар ва мутахассислари учун ташкил этилади. **У муайян режа асосида ҳар ойда бир марта ўтказилади ва икки қисмдан иборат бўлади.**

Биринчи қисмда миллий истиқлол ғояси, маънавият, маърифат ва мафкура соҳасидаги асосий мавзуга бағишланган маъруза тингланади. Машғулотнинг иккинчи қисмида эса, ҳозирги куннинг долзарб мафкуравий муаммолари очиқ мулоқат тарзида, савол ва жавоблар асосида амалий муҳокама этилади. Семинарни белгиланган мавзу бўйича ўтказиш масъул раҳбар зиммасига юклатилади.

Машғулотлар турли тилларда олиб борилиши мумкин. У мунтазам равишда, ҳар бир соҳа, вазирлик ёки ташкилот томонидан аниқ белгиланган муддатларда ўтказилади.

“Миллий истиқлол ғояси: назария ва амалиёт” доимий ҳаракатдаги республика семинарларини ўтказиш савияси ва тартиби учун тегишли ташкилотнинг раҳбарлари масъулдир.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУИ

№	Мавзунинг номи	Маъруза	Амалий машғулот
1.	Ғоя ва мафкура: моҳияти ва шакллари.	2	2
2.	Бунёдкор ва вайронкор ғоялар: курашлар тарихи.	2	2
3.	Инсон онги ва қалби учун кураш.	2	2
4.	Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси.	2	2
5.	Марказий Осиёга қаратилган мафкуравий таъсирлар.	2	2
6.	Биз кураётган жамият ва тараққиётнинг ўзбек модели.	2	2
7.	Мустақиллик, ғоявий бўшлиқ ва зарарли ғоялар ҳақида.	2	2
8.	Миллий истиқлол ғоясининг моҳияти ва тамойиллари.	2	2
9.	Миллий истиқлол ғояси қандай вазифаларни бажаради?	2	2
10.	Ватан равнақи ва юрт тинчлиги.	2	2
11.	Халқ фаровонлиги ва комил инсон ғояси.	2	2
12.	Ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик.	2	2
13.	Истиқлол ғояси – комил инсонни тарбиялаш омили.	2	2
14.	Ғоявий тарбиянинг шакл, услуб ва воситалари. Унинг ўзига хос хусусиятлари.	2	2
15.	Фуқароларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантириш вазифалари.	2	2
Жами: 60 соат		30	30

1-мавзу: Ғоя ва мафкура: моҳияти ва шакллари

Ҳар бир фуқаронинг “**Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар**” ини яхши билиши зарурлиги. Доимий семинарларнинг асосий мавзулари. Миллий истиқлол ғояси: назария ва амалиёт” семинар машғулотларининг мақсад, вазифалари ва таълим-тарбиядаги аҳамияти.

Ғоя ва мафкура тушунчалари. Ғоя – инсон тафаккури маҳсули. Ғоялар тўғрисидаги билимлар, уларнинг асосий мавзулари ва вазифалари.

Мафкура жамиятнинг мақсади, манфаатлари, орзу-интилишларини мужассам этувчи, уюштирувчи тизим. Ислоҳ Каримовнинг жамиятда ғоя ва мафкуранинг зарурлиги ижтимоий ҳаётнинг қонуни эканлиги тўғрисидаги фикрлари. Тарихда ғоя ва мафкуралардан кўзланган мақсад ва муддаоларга мисоллар.

Миллий ғоянинг моҳияти ва намоён бўлиш шакллари. У халқнинг маънавий эҳтиёжи, мақсади орзу – интилишларини мужассам этувчи ва уюштирувчи ғоя эканлиги.

2-мавзу: Бунёдкор ва вайронкор ғоялар: курашлар тарихи.

Ғоявий жараёнларнинг тарихий тараққиёт билан боғлиқлиқлиги. Тарихда давр ва мафкураларнинг ўзгариши.

Бунёдкор ғояларнинг моҳияти ва мазмуни. Уларнинг жамият ва цивилизациялар ривожига улкан таъсир кўрсатганлиги. Зардушт, Суқрот, Платон, Конфуций, Алишер Навоий, Маҳатма Ганди ва бошқаларнинг бунёдкор ғоялари. Соҳибқирон Амир Темурнинг бунёдкорлик

ғоялари ва фаолияти. Миллий давлатчилик ғояси ва унинг халқлар тараққиётига таъсири. **Вайронкор ғоя ва мафкураларнинг** моҳияти, хусусиятлари ва тарихий жараёнларга таъсири. Ҳурта асрлардаги салиб юришлари, диний фанатизм кабилар ёвуз ғояларнинг намоён бўлиш шаклидир. Уларга қарши ғоявий кураш зарурлиги.

Мутлоқ ҳақиқатни даъво қилувчи, яккаҳокимликка интилувчи ғоя ва унга эришган мафкуранинг истиқболи йўқлиги. Собиқ иттифоқ давридаги мафкуравий яккаҳокимлик ва унинг оқибатлари.

3-мавзу: Инсон онги ва қалби учун кураш нима учун керак ва у қандай давом этмоқда?

Инсон онги ва қалбини эгаллаш учун курашнинг моҳияти ва мақсади. Илғор ва тажовузкор ғоялар, мафкураларнинг инсон онги ва қалбига таъсири. ХХ асрда дунёда ғоявий курашнинг кескинлашуви. Собиқ иттифоқнинг тарқалиши ва икки қутбли дунёнинг барҳам топиши. Жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишларнинг давом этаётгани.

Глобаллашувнинг салбий оқибатлари ва уларга қарши кураш масалалари. Оламшумул илмий кашфиётлар, универсал технологиялар ва ахборот тарқатишнинг глобаллашуви ва бунинг дунёдаги мафкуравий вазиятга таъсири. Замонавий илм-фан ютуқлари ва уларнинг одамлар тасаввурини кескин ўзгартириши билан боғлиқ масалалар.

4-мавзу: Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси

Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси қандай? Унда қандай ғоя ва мафкуралар кураш олиб бормоқда. Геосиёсат нима? Геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсатнинг

турли шаклларда намоён бўлиши ва уйғунлашуви. Мафкуравий таъсир кўрсатиш — геосиёсатнинг энг таъсирчан воситаси эканлиги. “**Мафкуравий полигон**”, уларнинг ядро полигонларидан хавфлироқ бўлиб қолганлиги.

Жаҳонни мафкуравий бўлиб олишга уринишларнинг моҳияти ва мақсади. Халқларни маънавий-мафкуравий жиҳатдан тобе этишга интилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Бугунги кунда дунёни бўлиб олишга уринаётган мафкуралар, уларга қарши кураш зарурати.

5-мавзу: Марказий Осиёга қаратилган мафкуравий таъсирлар.

Марказий Осиё минтақасидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар. Минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг муаммо ва вазифалари. Ёт ва бегона ғоялар, мафкуравий полигонлар ва технологияларнинг хуржига қарши минтақада куч ва салоҳиятни бирлаштириш зарурати.

Ҳар бир ўзбекистонликда умумминтақавий мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарурати. “Туркистон — умумий уйимиз” ғоясини амалга ошириш вазифалари ва имкониятлари.

6-мавзу: Биз қураётган жамият ва тараққиётнинг ўзбек модели.

Мамлакатимизда барпо этилаётган жамият. Уни барпо этишнинг асосий тамойиллари ва йўналишлари. Бу жараённинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги вазифалари. Жамият ҳаётида туб ўзгаришлар ва ислохотлар. Уларни амалга ошириш ва эркин демократик жамиятни барпо этишда миллий истиқлол мафкурасининг аҳамияти.

Тараққнётнинг ўзбек модели ва унинг жамият тараққиёти учун аҳамияти. Иқтисодиётнинг мафкуравий мақсадларига бўйсундирилмаслиги ва устунлиги. Утиш даврида, ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби, маънавий янгиланиш жараёнларининг ҳам бош ислоҳотчиси давлат эканлиги. Жамият ҳаётида қонуннинг устиворлиги. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бозор муносабатларига утишнинг тадрижий йўли.

Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузи мамлакатнинг қулай жуғрофик ўрни, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятининг юқори эканлиги. Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсати, жаҳон ва Марказий Осиёдаги нуфузининг ортиб борганлиги.

7-мавзу: Мустақиллик, ғоявий бўшлиқ ва зарарли ғоялар ҳақида.

Мустақиллик ва собиқ мафкуранинг ўтмишга айланиши — объектив жараён. Миллат, жамият ва давлат бор экан унинг мустақиллигига таҳдид соладиган интилиш ва ҳаракатларнинг сақланиб қолиши. Ушбу таҳдидларга қарши курашнинг, маънавиятни юксалтириш, ғоявий — асоратларидан батамом ҳалос бўлиш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва муҳофаза қилишнинг асосий вазифалари.

Ғоявий бўшлиқ, унинг моҳияти ва намоён бўлиши. Мамлакатимизга бегона ва зарарли ғояларнинг таъсири ва унинг намоён бўлиши. ғоявий бўшлиқни тўлдириш, зарарли ғоя ва ёт мафкураларнинг жамиятимизга таъсирини бартараф этиш муаммолари.

Миллий истиқлол ғоясини шакллантириш тарихий зарурат ва давр талаби. Ўзбекистонда мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнини мафкуравий муҳофаза қилиш зарурати. Умрини ўтаб бўлган ғоя, ақида ва мафкура-

нинг инкор этилгани. Янги ғоя — истиқлол мафкурасини ҳаётга жорий этиш эҳтиёжининг ошаётганлиги.

8-мавзу: Миллий истиқлол ғоясининг моҳияти ва тамойиллари.

Миллий истиқлол ғояси тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни. Ислом Каримов асарларида миллий истиқлол ғоясининг асослаб берилганлиги. Мафкура — миллий ўзликни англатувчи куч. Миллий истиқлол ғояси тарихий хотирани уйғотиш, ўтмишдан сабоқ чиқариш ва ўзликни англаш мезони. У халқимизнинг туб мақсадлари ифодаси, жамият аъзоларини бирлаштирувчи, бунёдкор ишларга уюштирувчи маънавий омил.

Миллий истиқлол ғоясининг тарихий-фалсафий илдизлари: халқимизнинг бой маданий мероси: қадриятлари, урф-одатлари ва анъаналари. Тарих — буюк мураббий, мафкурамизнинг маъно-мазмунини белгилайдиган муҳим омил. Халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, тафаккури, характери ва дунёқараши, миллий қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолияти — истиқлол мафкураси озиқланадиган манбалардир.

Истиқлол ғоясининг асосий тамойиллари мамлакат мустақиллиги, қонуннинг устуворлиги, демократиянинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллашига қаратилганлиги. Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги, фикрлар ранг-баранглиги, виждон эркинлиги ва халқаро ҳуқуқ қоидаларига асосланганлиги. Давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги ва мамлакатда ижтимоий барқарорликнинг таъминланганлиги билан уйғунлиги. Ўтиш даврида аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлиги, жамият ҳаёти барча соҳаларининг эркинлашуви, ислоҳотларнинг тадрижийлиги, тинчликсе-

вар ташқи сиёсатнинг амалга оширилаётганлигида ўзига хос намоён бўлиши.

9-мавзу: Миллий истиқлол ғояси қандай вазифаларни бажаради?

Истиқлол ғоясининг олий мақсади эзгу ғояларга таянган ҳолда халқни Ўзбекистоннинг буюк келажagini бунёд этишга сафарбар қилишдир. Фуқароларимизни ҳозирги ҳаёт талабларига жавоб берадиган ғояси мустақкам, юксак эътиқодли, огоҳ ва журъатли кишилар этиб вояга етказиш.

Истиқлол мафкурасининг асосий вазифалари. Жамиятда илгор ғоялар устивор бўлган ҳаёт тарзи ва соғлом ижтимоий муҳитни яратиш. Янгича фикрлайдиган ва мутелик туйғусидан ҳоли бўлган инсонни, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш. Жамиятни ёт ва бегона ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш. Мамлакатимизнинг кўп миллатли халқининг **“Ўзбекистон — ягона Ватан”**, **“Миллий ғоя — бизнинг ғоя”** эътиқодини қарор топтириш. Одамларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, қонунни ҳурмат қилиш, эл-юрт учун фидойилик, иймон-эътиқод, бунёдкорлик, инсофдиёнат, саховат, ҳалоллик каби юксак маънавий туйғуларни шакллантириш.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий хусусиятлари. Ўзбекистон халқининг умуммиллий манфаатларининг ифодаланиши. Одамларни буюк мақсадлар сари уюштирувчи куч. Жамият аъзолари фаолиятининг юксак маънавий мезони. Кишиларни сафарбар этиш ва ғоявий ҳимоя воситаси. Ёш авлодни тарбиялаш омили.

10-мавзу: Ватан равнақи ва юрт тинчлиги.

Ватан равнақи. Ватан-саждагоҳ каби муқаддас, у миллий ғоялар шаклланиши ва такомил жараёни кечадиган макондир. **Ватанпарварлик.** Ватан равнақи ғоясини ёшлар онгига сингдириш вазифалари.

Юрт тинчлиги ғоясининг мазмун-моҳияти. Инсоният тарихида уруш хавфидан ҳалос бўлиш ва тинчликка интилиш ғоялари. Тинчлик ва барқарорлик — мамлакатимизнинг асосий шартлари сифатида. Бу ғояни амалга ошириш, уни халқимиз қалби ва онгига сингдиришда истиқлол мафкурасининг аҳамияти.

Ёшларда Ватанга садоқат, юрт тинчлигини сақлаш туйғусини тарбиялаш вазифалари.

11-мавзу: Халқ фаровонлиги ва комил инсон ғояси.

Халқ фаровонлиги ғояси. Унинг моҳияти ва йўналишлари. Халқ фаровонлигига эришиш — тарих ва тараққиётнинг бош мақсадларидан бири. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши. Эркинлик, тadbиркорлик ва ташаббускорлик — фаровон ҳаёт учун асоси.

Комил инсон ғояси. Унинг моҳияти ва мазмуни. Ватанимиз тарихи ва тараққиётимизнинг ҳозирги даврида комил инсонни шакллантириш муаммосига бўлган эътибор ва қарашлар. Мамлакатимизда бу ғояни амалга оширишда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг аҳамияти.

Халқ фаровонлиги йўлида фидокор инсонларни тарбиялаш зарурати. Ёш авлодда комиллик хусусиятларини шакллантириш вазифалари.

12-мавзу: Ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик.

Ижтимоий ҳамкорлик ғояси. Унинг асосий жиҳатлари ва намоён бўлиш хусусиятлари. “**Ўзбекистон — ягона Ватан**” ғояси миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойилларидан бири сифатида. Жамиятдаги турли тоифалар, сиёсий кучлар ва партиялар ҳамкорлиги — барқарор тараққиёт омили. Ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш — давр талаби.

Миллатлараро ҳамжиҳатлик ғояси. Кўпмиллатлилик ва истиқлол мафкураси. Ҳозирги давлатларнинг асосан икки турга — кўп миллатли ва бир миллатли давлатларга бўлиниши. Ўзбекистон — кўп миллатли давлат. Мамлакатимиз фуқароларининг ҳамжиҳатлиги ва бағрикенглиги. Миллий маданиятлар — халқларнинг маънавий яқинлиги манбаи. Миллий истиқлол мафкурасида — барча миллатларнинг эзгу мақсадлари, мамлакат манфаатлари, тараққиёт йўли, эътиқоди ва ишончининг мужассамаланиши. “Миллий ғоя — бизнинг ғоя” шиорининг моҳияти.

Диний бағрикенглик ғояси. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишонч, маънавий куч — қудрат манбаи. Бағрикенглик (толерантлик) тушунчаси, унинг диний соҳада намоён бўлиш хусусиятлари. Дин, динлараро бағрикенглик ва мафкура. Мамлакатимизда турли дин ва конфессияларнинг ёнма-ён яшаши ва азалий ҳамжиҳатлиги ижтимоий бағрикенгликнинг ёрқин намунасидир. Республикада виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятининг қонуний асослари. Ақидапарастлик ва диний экстремизмга қарши кураш, ёшларни иймон-эътиқодли этиб тарбиялаш вазифалари.

13-мавзу: Истиқлол ғояси — комил инсонни тарбиялаш омили.

Маънавият ва маърифат ходимлари, ҳар бир зиёли, ҳар бир онгли фуқаронинг миллий истиқлол ғояси тарғиботчиси сифатида фаолият кўрсатишлари зарурати. Бунинг учун улар миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишнинг воситалари, услуги ва шакллари ҳақида билимларга эга бўлишлари кераклиги.

Мафкуравий тарбия тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни. Кўпқутбли дунёда мафкуравий тарбия аҳамиятининг ортиб бориши. Мафкуравий тарбиянинг мақсади, мазмуни. Президент Ислом Каримов мафкуравий тарбия ва миллий ғояни онгимизга сингдирувчи амалий тарбияни йўлга қўйиш ҳақидаги фикрларининг моҳияти.

14-мавзу: Ғоявий тарбиянинг шакл, услуб ва воситалари. Унинг ўзига хос хусусиятлари.

Ғоявий тарбия. Ёшларни ғоявий тарбиялаш. Оила ва ғоявий тарбия. Маҳалланинг бу борадаги имкониятлари. Муассаса, ишлаб чиқариш корхоналари, жамоа ҳужаликларида мафкуравий тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари. Жамоани мафкуравий тарбиялаш мазмуни ва ўзига хос жиҳатлари.

Аҳолининг турли қатламларини ғоявий қуроллантириш омиллари. Меҳнат жамоаси, корхона, туман, вилоят аҳолисининг мафкуравий онглилик даражасини ўрганиш. Замонавий ўзбек характерининг мафкуравий таҳлили ва уни такомиллаштириш масалалари. Маънавий-маърифий муассасаларда мафкуравий тарбия. Давлат ва нодавлат ташкилотларининг мафкуравий тарби-

ядаги вазифалари. Раҳбар кадрларнинг мафкуравий тарбияда тутган ўрни. Ўқитувчи, мураббий ва талаба ҳамкорлиги — маънавий тарбия омили.

15-мавзу: Фуқароларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантириш вазифалари.

Шахс, гуруҳ ва жамият руҳиятига таъсир қилувчи мафкуравий омилар. Уларни таҳлил ва тарғиб қилиш услублари. Миллий ифтихорни шакллантириш.

Миллий виждон, бурч, ориятни уйғотиш услублари. Ватанпарварлик тарбиясининг самарали воситалари.

Эътиқодни шакллантирувчи услублар. Диний экстеремизмни мафкуравий қуролсизлантириш усуллари ва йўллари. Мафкуравий тарбия ва ёт ғояларнинг таҳдидларига қарши кураш услублари. Бевосита ва билвосита тарғибот. Аҳолининг мафкуравий иммунитетини шакллантириш йўллари.

Мафкуравий тарбия ишлари самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Вилоят, туман, жамоада кечаётган мафкуравий жараёнлар мониторинги ва унинг натижаларидан ғоявий-тарбия жараёнида фойдаланиш.

“МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ” ДОИМИЙ СЕМИНАРЛАРИ БЎЙИЧА ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТ ВА ДАВРА СУҲБАТЛАРИНИНГ МАВЗУЛАРИ

Ислом Каримов миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойиллари тўғрисида.

Ғоялар ва мафкуралар кураши тарихидан.

Бунёдкор ва вайронкор ғоялар, уларнинг инсоният тарихига таъсири.

Ўзликни англаш нима?

Шахсий ва миллий манфаатлар уйғунлигини қандай тушунмоқ керак?

Бунёдкор ғоялар — жамиятни истиқболга етакловчи куч.

Мафкуравий полигонлар ва мафкуравий таҳдидлар.

Мафкуравий иммунитет: моҳияти, муаммолари, даражалари.

Миллий истиқлол ғоясининг тарихий илдизлари.

Ўзбекистондаги демократик жараёнлар ва мафкура.

Миллий анъаналар — мафкуравий омили.

Эътиқод ва уни шакллантириш ҳақида.

МУСТАҚИЛ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР ЙУНАЛИШЛАРИ:

1-мавзу: Ғоя ва мафкура тушунчаларининг моҳият-мазмуни.

РЕЖА:

1. Ғоя тушунчаси.
2. Мафкура тушунчаси.
3. Ғоя ва мафкураларнинг тарихий шакллари ва қури-нишлари.
4. Миллий ғоя ва мафкуралар.

2-мавзу: Тарихий тараққиёт: ғоявий ва мафкуравий жараёнлар.

РЕЖА:

1. Ижтимоий тараққиёт-ғоя ва мафкуралар тарихи сифатида.
2. Жамият ривожини ва бунёдкор ғоялар.
3. Вайронкор ғоя ва мафкуралар.
4. Инсоният ҳаётида ғояга қарши — ғоя, жаҳолатга қарши — маърифат тамойили.

3-мавзу: Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва глобаллашув жараёнлари.

РЕЖА:

1. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси.
2. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви.
3. Глобаллашувнинг ижобий натижалари.
4. Глобаллашувнинг салбий оқибатлари.

4-мавзу: Геосиёсат ва Марказий Осиёга мафкуравий таъсирлар.

РЕЖА:

1. Геосиёсат нима?
2. Ҳозирги давр: геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсат.

3. Жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб олишга уринишлар.

4. Марказий Осиё мафкуравий жараёнларининг хусусиятлари.

5-мавзу: Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият ва тараққиётнинг ўзбек модели

РЕЖА:

1. Тараққиётнинг ўзбек модели.
2. Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузи.
3. Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз?
4. Янги жамият барпо этишда мафкуравий муаммоларни ҳал қилиш вазифалари.

6-мавзу: Мустақиллик ва мафкуравий муаммолар: ғоявий бўшлиқ ва зарарли ғояларнинг жамиятимизга таъсири.

РЕЖА:

1. Мустақилликни мустаҳкамлаш жараёни ва мафкуравий муаммолар.
2. Ғоявий бўшлиқни тўлдириш.
3. Миллий истиқлол ғоясини шакллантириш тарихий зарурият ва давр талаби.

7-мавзу: Миллий истиқлол ғоясининг моҳияти ва асосий тамойиллари.

РЕЖА:

1. Миллий истиқлол ғояси тушунчаси.
2. Миллий истиқлол ғоясининг тарихий-фалсафий илдизлари.
3. Истиқлол ғоясининг асосий тамойиллари.
4. Миллий истиқлол ғоясининг моҳиятини ўрганиш муҳим вазифа.

8-мавзу: Миллий истиқлол ғоясининг мақсад ва вазифалари Ватан равнақи ва юрт тинчлиги ғояси.

РЕЖА:

1. Истиқлол ғоясининг олий мақсади.

2. Истиқлол ғояси ва мафқурасининг асосий вази-
фалари.

3. Миллий истиқлол мафқурасининг асосий хусуси-
ятлари.

4. Ватан равнақи.

5. Юрт тинчлиги.

9-мавзу: Халқ фаровонлиги ва комил инсон

РЕЖА:

1. Халқ фаровонлиги ғояси.

2. Комил инсон ғояси.

3. Ёш авлодни комиллик ва меҳнатсеварлик руҳида
тарбиялаш вазифалари.

**10-мавзу: Ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳам-
жиҳатлик ва диний бағрикенглик.**

РЕЖА:

1. Ижтимоий ҳамкорлик ғояси.

2. Миллатлараро ҳамжиҳатлик ғояси.

3. Диний бағрикенглик ғояси.

4. Мамлакатимизда барқарорликни мустақкамлаш
зарурати.

**11-мавзу: Миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига
сингдириш соҳалари ва йўналишлари.**

РЕЖА:

1. Мафқуравий тарбия тушунчаси.

2. Ёшларни мафқуравий тарбиялаш.

3. Аҳолининг турли қатламларини ғоявий қуроллан-
тириш омиллари.

12-мавзу: Ғоявий тарбиянинг услуб ва воситалари.

РЕЖА:

1. Шахс, гуруҳ ва жамият руҳиятига таъсир қилувчи
мафқуравий омиллар.

2. Соғлом мулоқот маданиятини тарбиялаш.

3. Эътиқодни шакллантирувчи услублар.

4. Мафқуравий тарбия ишлари самарадорлигини
баҳолаш мезонлари.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Семинарнинг мақсад ва вазифалари	5
Семинар машғулотларини ўтказиш тартиби	7
Семинар машғулотлари режаси	8
«Миллий истиқлол ғояси: назария ва амалиёт» доимий семинарлари бўйича дарсдан ташқари машғулот ва давра суҳбатларининг мавзулари	19
Мустақил амалий машғултлар йўналишлари:	20

Ижтимоий-сиёсий нашр

**МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҲОЯСИ:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**

Масъул муҳаррир *К. Назаров*

Техник муҳаррир *В. Мещерякова*
Компьютер ишлари *А. Тиллаҳужаев*
Мусахҳиҳ *У. Валиев*

Босишга 30.01.2002 й. да рухсат берилди. 01

Бичими 60x90¹/₁₆ Офсет босма.

Шартли б.т. 1,5. Нашр босма табоғи 0,85.

.25 рақамли буюртма.

Жами 20000 нусха. Баҳоси шартнома асосида.

«Ijod dunyosi» нашриёт уйи.

Тошкент, Навоий-30, 700129.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот
қўмитасининг Китоб-журнал фабрикасида чоп этилди.
Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1.

ФАЙЛАСУЛАР
МУЎНАЖЖАМОТИ

